

# «Йил имоми» танловининг ғолиби қандай аниқланади?

“YIL IMOMI”  
TANLOVNING  
G’OLIBI  
QANDAY  
ANIQLANADI?

MUSLIM.UZ  
@MUSLIMUZPORTAL



21:52 / 04.12.2023 1085

Республикамизда имом-хатиблар фаолиятини янада такомиллаштириш, бугунги глобаллашув даврида Ватан равнақи йўлида хизматлари ҳамда ёшларимизнинг турли ёт бузғунчи тоифаларнинг таъсиридан ҳимояланишида тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини янада ошириш мақсадида ҳар йили “Йил имоми” кўрик танлови ўтказилади.

Танловни ўтказишдан қандай мақсад кўзланган? Танловнинг мақсади бугунги тараққиёт талабларига жавоб берадиган, кучли илмий салоҳиятга эга, юқори касбий маҳорат соҳиби бўлган, илғор фикрли, замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдалана оладиган, диний-маърифий соҳа тарғиботчиси бўлган фаол имомларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашдан иборат.

Танловнинг вазифалари нималардан иборат? Танловнинг бир қанча вазифалари мавжуд. Улардан айримлари: туман, шаҳар, вилоятларнинг чекка ва олис ҳудудларида фаол меҳнат қилаётган, ўз ишига садоқат билан ёндошиб, жонбозлик кўрсатаётган имомларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, аҳолининг турли қатламлари орасига кириб бориб, мавжуд муаммоларни бартараф этишда алоҳида жонбозлик кўрсатаётган имомларни аниқлаш ҳамда имом-хатиблар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, тажриба алмашилишни йўлга қўйиш ва бошқалар.

## **Танлов неча босқичда ўтказилади?**

Танлов уч босқичда бўлиб ўтади:

туман (шаҳар) босқичи;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи;  
Республика босқичи.

## **Республика босқичида қандай шартлар бўлади?**

Республика босқичи 7 турдан иборат бўлиб, 1-турда қироат ва тафсир, 2-турда ақоид, 3-турда фикҳ, 4-турда ислом тарихи, 5-турда ҳадис илмлари, 6-турда Мовароуннаҳр алломалари ҳаёти ва ижоди оид саволлар ҳамда 7-турда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлари асосида баҳоланади.

**Танловда энг юқори балл тўплаган иштирокчи «Йил имоми» кўрик танловининг мутлақ ғолиби сифатида эътироф этилади.**

## **Ғолиблар учун қандай мукофотлар берилади?**

1-ўрин соҳиби I даражали диплом ва Ҳаж зиёратига йўлланма;

2-ўрин соҳиби II даражали диплом ва базавий ҳисоблаш миқдорининг 45 баравари миқдорида пул маблағи;

3-ўрин соҳиби III даражали диплом ва базавий ҳисоблаш миқдорининг 35 баравари миқдорида пул маблағи мукофоти билан тақдирланади.

Шунингдек, танлов ғолиблари ва иштирокчиларига ҳомийлик маблағлари ҳисобидан қимматбаҳо совғалар тақдим этилади.

## “YIL IMOMI – 2023” KO'RIK-TANLOVI ISHTIROKCHILARI



Qoraqalpog'iston  
Respublikasi  
**TOIRJON DOMLA  
ABDUJANOV**  
Bilakpi'a tumanidagi  
"Sato" masjidi imom-katibi



Jizzax viloyati  
**HOSILMURROT  
DOMLA  
PARMONOV**  
Jizzax shahridagi "Sotoliq"  
masjidi imom-katibi



Samarqand  
viloyati  
**ANVAR DOMLA  
AHMEDOV**  
Jahoyul tumanidagi  
"Sheyx Xudoydod Vali"  
masjidi imom-katibi



Toshkent viloyati  
**DONIYOR DOMLA  
IKROMOV**  
Toshkent tumanidagi  
"Ayni ota" masjidi  
imom-katibi



Qashqadaryo  
viloyati  
**UMIDJON DOMLA  
RASHIDOV**  
G'ulistan tumanidagi  
"Hazrati Mirzabod" masjidi  
imom noibi



Andijon viloyati  
**MUHAMMADIYXON  
DOMLA HOJIEV**  
Asaka tumanidagi  
"Mirzaxoliq ota" masjidi  
imom-katibi



Navoiy viloyati  
**ABDULVOHID  
DOMLA HAKIMOV**  
Kamoh tumanidagi  
"Jaloliy" masjidi  
imom-katibi



Sirdaryo viloyati  
**QOBILJON  
DOMLA ASLANOV**  
Bo'yovul tumanidagi  
"Abduqolq'ir ijuloviy"  
masjidi imom-katibi



Farg'ona viloyati  
**ABDUHALIL DOMLA  
MARASULOV**  
Marg'ilon shahridagi  
"Abdulloh ibn Umar" masjidi  
imom-katibi



Toshkent shahri  
**ISROIJON DOMLA  
ISMILJONOV**  
Yashnobod tumanidagi  
"Xalid ibn Vohid" masjidi  
imom-katibi



Buxoro viloyati  
**AZIJON DOMLA  
JAMOLOV**  
Shofirkon tumanidagi  
"Sheyx Dardesh" masjidi  
imom-katibi



Namangan  
viloyati  
**NURIDDIN DOMLA  
HAMROQULOV**  
Uchqirg'on tumanidagi  
"Shayx Saichik" masjidi  
imom noibi



Surxondaryo  
viloyati  
**RAVSHAN DOMLA  
BEKMURODOV**  
Angar tumanidagi  
"Sayyid Karim" masjidi  
imom-katibi



Xorazm viloyati  
**ALISHER DOMLA  
BABAJANOV**  
Gurlan tumanidagi  
"Umaron Sadiq bobor" masjidi  
imom-katibi